



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASINING  
BUYRUG'I**

2020 yil "17" январ № 49

Toshkent sh.

**АҚШнинг Вашингтон штати  
Университети Хамширалик колледжи  
мутахассисларининг Тошкент тиббиёт  
академиясида дарс бериши ҳақида**

Олий таълим тизимидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан тажриба алмашиш жараёнини янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида ТТАда АҚШнинг Вашингтон штати Университети Хамширалик колледжи етакчи мутахассислари Кавкаб Шишани ва Мария Делейнларни Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби магистратура талабаларига 2019-2020 ўқув йилининг баҳорги семестр (03.02-30.06.2020й.) давомида дарс ўтишини юқори савияда ташкил этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йилдаги 21 январь 26-1/49 сонли хатига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Магистратура бўлими бошлиғи ва Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби директори А.Имамов ва Б.Маматкуловларга:

- Вашингтон штати Университети Хамширалик колледжи мутахассислари Жамоат соғлиқни сақлаш мактабида амалий машғулот маърузалар циклини ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилсин.

2. Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ж.Исраиловга:

- мутахассисларни яшаш учун 3-Талабалар турар жойидан жой ажратилсин ва барча шароитлар яратилсин;

- қуйида номи келтирилган мутахассисларни Тошкент шаҳрида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ташкил этилсин ва назоратга олинсин.

- Shishani Kawkab (569331763)

- Delani Maria (560402195)

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова зиммасига юклатилсин.

Ректор



Л.Н.Туйчиев